



# Shu aziz VATAN — barchamizniki!

# O'ZBEKISTON OVOZI

2014-yil, 11-oktabr. Shanba • 121 (31.868) Ijtimoiy-siyosiy gazeta • 1918-yil 21-iyundan chiqq boshlagan • www.uzbekistonovozi.uz

### Қонунда белгиланган тартибда тузиладиган сайлов участкалари ва участка сайлов комиссиялари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси сайлови, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари сайлови учун ягона ҳисобланади

## МДХНИНГ МИНСК САММИТИ

Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 9-10 октябрь кунлари Минск шаҳрида бўлиб ўтган Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Давлат раҳбарлари кенгашининг мажлисида иштирок этди. МДХ саммитининг асосий тадбирлари 10 октябрь куни бўлиб ўтди.

Давлат раҳбарлари кенгашининг мажлисида Ҳамдўстлик доирасидаги ҳамкорликни ривожлантиришга оид долзарб масалалар муҳокама қилинди. Президентлар хавфсизликни таъминлаш, гуманитар соҳадаги алоқаларни кенгайтириш юзасидан фикр алмашдилар. Ўзбекистон Президенти МДХ бевосита мулоқотни қўллаб-қувватлаш, долзарб масалаларни муҳокама қилиш имконини берадиган тузилма, аъзо давлатларни барқарор ривожлантириш, уларнинг савдо-иқтисодий салоҳиятини фаол ишга солиш, хавфсизликка таҳдидларни бартараф этиш борасида ўзаро маълум ёндашувлар, мувофиқлаштирилган амалий чоралар ишлаб чиқишга хизмат қиладиган майдон эканини таъкидлади.

Ислам Каримов саммит қатнашчилари эътиборини Ҳамдўстлик маконида тўлақонли эркин савдо зонасини шакллантириш ва уни тезроқ ишга тушириш заруратига қаратиб, бу ўзаро савдо ва сармоявий алоқаларни кенгайтириш учун имкон қадар кўп шарт-шароит яратилишига қайд этди.

Маълумки, МДХ доирасида муайян йилларни гуманитар мавзу билан номлаш ва тегишли чора-тадбирларни белгилаш анъанага айланган. Саммит қатнашчилари МДХда 2016 йилни таълим йили, деб эълон қилишга келишиб олдилар.

Хавфсизлик масалалари муҳокама қилинар экан, наркотик моддаларнинг ноқонуний айланишини назорат қилиш, ноқонуний миграция ва одам савдосига қарши курашиш борасидаги ҳамкорликка оид ҳужжатларнинг лойиҳалари кўриб чиқилди.

Давлат раҳбарлари кенгашининг мажлисида МДХни янада ривожлантириш концепциясини ҳаётга татбиқ этиш бўйича асосий чора-тадбирлар режаси ижросининг бориши таҳлил этилди, қатор ташкилий масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Ҳамдўстликка раислик Қозғистон Республикасига ўтди.

Минска ташриф асносида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Беларусь Республикаси Президенти Александр Лукашенко билан музокара ўтказди.

Сўхбат чоғида икки томонлама муносабатларни янада юқори поғонага кўтариш билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашилди. Ўзбекистон — Беларусь муносабатлари дўстлик ва ҳамкорлик тамойиллари асосида ривожланиб бормоқда. Икки мамлакатнинг минтақавий ва халқаро масалаларга қарашлари ўхшаш ва яқин. Ташқи сиёсат маҳкамалари ўртасида мунтазам маслаҳатлашувлар йўлга қўйилган.

Беларусь Ўзбекистонга Марказий Осиёдаги асосий иқтисодий шерикларидан бири сифатида қарайди. Савдо кўлами йил сайин кенгаймоқда. 2013 йилда ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 193,5 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Ўзбекистондан Беларусьга экспорт қилинадиган пахта толаси, тўқимачилик саноати ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, автомобиллар миқдори муттасил ошмоқда. Беларусьдан Ўзбекистонга оғир юк ташувчи автомобиллар ва тракторлар импорт қилинади. Айни пайтда мамлакатларимиз биржалари, савдо-саноат палаталари, йирик ишлаб чиқариш корхоналари ўртасида бевосита ҳамкорликни ривожлантириш юзасидан мулоқотлар давом этмоқда.

Сўхбат чоғида ўзаро муносабатларда савдо-иқтисодий ва сармоявий алоқалар устувор экани, икки томонлама ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон-Беларусь ҳукуматлараро кўшма комиссиясининг фаолиятини кенгайтириш бу соҳадаги алоқаларни янада ривожлантиришга хизмат қилиши таъкидланди.

Ўзбекистон ва Беларусь маданий-гуманитар алоқаларни ривожлантиришга алоҳида эътибор бермоқда. Хусусан, икки мамлакатнинг маданияти ва санъат намоёндалари Ўзбекистон ва Беларусьда ташкил қилинадиган йирик халқаро тадбирларда мунтазам иштирок этиб келади. Ўзбекистон вакиллари «Славянский базар в Витебске» халқаро санъат фестивалида, беларуслар «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалида фаол қатнашади.

Анвар БОБОЕВ,  
ЎЗА махсус мухбири  
Тошкент — Минск — Тошкент.



## Ўзбекистон Халқ демократик партияси

сайловда иштирок этиш учун расман рухсат олди

**Округ сайлов комиссияларига 1463 киши жалб этилган. Комиссиялар аъзоларининг 66,9 фоизи илгари сайловларга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш жараёнларида иштирок этган.**

**САВОЛ-ЖАВОБ**  
**Сайловда ташвиқоти:**  
ҳуқуқий асослар янада мустаҳкамланди

Президентимиз томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида сайлов ҳуқуқи эркинлигини таъминлаш ва сайлов қонунчилигини такомиллаштириш масаласига алоҳида эътибор қаратилган.

**БАНДЛИК**  
**Маиший хизмат кўрсатиш уйи**  
фойдаланишга топширилди ва 10 нафар коллеж битирувчиси иш билан таъминланди

Термиз шаҳридаги маиший хизмат кўрсатиш уйи 2002 йилда ташкил этилган эди. Дастлаб мажмуада 2 нафар киши иш бошлаган бўлса, бугунга келиб, бу ерда банд бўлганлар сони 50 нафарга яқинлашди.

Яқинда аёллар гўзаллик хонаси, келин-куёв либосларони, эркаклар сартарош-ри шохобчаси ташкил этили-

### Муносабат

Ҳар бир мураббий меҳр кўрсатиш ва астойдил ғамхўрлик қилиш билангина ўқувчининг кўнгил дунёсига кириб боради. Шу орқали ёш авлоднинг эътиборини, эътирофини қозониш, инсоний туйғуларини шакллантириш мумкин.

## Устозни эъзозлаган юрт

Президентимиз ўқитувчи ва мураббийларга йўллаган табриғида...**Канча-канча янги таълим стандартлари, ўқув дастурлари, қўлланма ва дарсликларни ишлаб чиқиб, амалда жорий этиш, уларни ҳар бир ўқувчи, ҳар бир талабанинг онгу шуурига сингдириш учун бутун соҳа ходимлари, сиз, ҳурматли, муаллим ва устозлар бу мактабдан аввало ўзингиз ўтганингиз, беиминнат хизмат қилиб келатганингизни ҳақиқий фидойилик намунаси, ҳас, ҳеч қандай ҳато бўлмади,** дея камтарин меҳнатимизга юксак баҳо берди.

Ўзим таълим бераётган мактаб мисолида айтадиган бўлсам, ўқувчиларимизнинг кўлга киритган ютуқларидан ҳар қанча фахрлансам арзийди. Бу ерда устозларнинг дарс ўтиши ва ўқувчиларнинг юксак даражада билим олиши учун барча шароитлар яратилган. Масалан, кимё фанидан ўтилатган дарс жараёнида замонавий лаборатория, энг сўнгги пед-технологиялардан фойдаланаямиз. Иккита компьютер синфига эгамиз.

Айни пайтда билим даргоҳимизда 52 нафар педагог 425 нафар ўқувчига таълим-тарбия бермоқда. Мен доимий равишда Абдурашид Очилов, Нодира Исмолова, Ҳабиба Тиловова каби тажрибали ўқитувчилар билан ҳамкорлик қиламан. Ўзаро тажриба алмашамиз, фикр-лашамиз.

Педагогик жамоамиз учун Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғриси-

да»ги Қонуни, «Кадрлар тайёрлаш миллий Дастури» таълим ислохотларини чуқурлаштириш ҳамда ҳуқуқий ва ташкилий педагогик ишларнинг асоси бўлиб хизмат қилмоқда. Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган кўшма чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ҳамда бугунги кунда ҳаётга изчил татбиқ этилаётган «Соғлом бола йили» Давлат дастурининг мазмун-моҳияти, аҳамияти ҳақида ҳар бир ўқитувчи ўқувчиларга батафсил тушунчалар бериб бормоқда.

Ўқувчиларимиз фан олимпиадалари, билимлар беллашуви ва яна кўплаб кўриктанловларда фаол иштирок этиб, фахрли ўринларни эгаллаб келишяпти. Мактабимиздаги ҳар бир педагог ўз тажриба ва малакаси, касбий маҳорати, тайёргарлик даражаси, касбга бўлган муносабатини ўзгартиришга, тинимсиз изланишга ҳаракат қилади.

Меҳнат фаолиятимга 30 йил тўлаяпти. Ана шу даврдаги камтарона меҳнатларим давлатимиз томонидан юқори баҳолаганидан мамнунман. Бу эътиборни жамоамиз эришаётган ютуқларнинг эътирофи деб биламан. Бундан кейин ҳам бор куч ва билимимни баркамол авлод тарбиясига бағишлашга тайёрман.

**Саида УМРҚУЛОВА,**  
Оқдарё туманидаги 8-умумтаълим мактабининг кимё фани ўқитувчиси, «Фидокорона хизматлари учун» ордени соҳибаси.

тирувчилари бандлиги таъминланди, — дейди **ЎзХДП Термиз шаҳар кенгаши раиси Икром Қурбонов.** — Ушбу хизмат кўрсатиш мажмуасининг иш бошлаши билан 10 нафар коллеж битирувчиси иш ўрнига эга бўлди.

**Абдумалик ҲАЙДАРОВ,**  
«Ўзбекистон овози» мухбири.

«Ўзбекистон овози» газетаси сайтыда ўқинг

**Сайловчилар учун қулайликлар**



www.uzbekistonovozi.uz

**Холиджон КОМИЛОВ, Ўзбекистон Қаҳрамони, тиббиёт фанлари доктори, профессор:**

— Ҳар гал «Ўзбекистон овози»ни кўлимга олганимда биринчи бўлиб, тиббиёт соҳасидаги мақолаларни ўқийман. Ушбу газетанинг деярли ҳар сонидан тиббиётга оид янгиликлар, мақолалар босилади. Айниқса, энг чекка ҳудудларда барпо этилаётган замонавий шифохоналар, қишлоқ врачлик пунктлари, ҳамкасбларимизнинг ибратли ишлари ҳақидаги мақолалар менга маълум бўлаяпти.

«Ўзбекистон овози»га обуна бўлишни барчага тавсия этган бўлардим.

**«ЎЗБЕКISTON OVOZI»ГА ОБУНА БЎЛИНГ!**

Обуна индекси — 220



Электорат манфаатини ҳимоя қилиш, одамлар ишончини қозониш бўйича ЎзХДП Жарқўрғон туман кенгаши ибратли ишларни амалга оширмоқда.

Унинг тафсилотлари билан газетамизнинг кейинги сонидан танишасиз.



# Ўзбекистон Халқ демократик партияси

## сайловда иштирок этиш учун расман рухсат олди

Жорий йил 8-9 октябрь кунлари Марказий сайлов комиссияси мамлакатимиздаги сиёсий партиялар Олий Мажлис Қонунчилик палатасига бўладиган сайловда иштирок этишига ижозат бериш тўғрисида қарорлар қабул қилди. Шунингдек, Ўзбекистон Экологик ҳаракатининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасига депутатлар сайловида иштирок этиши ҳақидаги қарори маълумот учун қабул қилинди. Сиёсий партиялар етакчиларига, хусусан, Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши раисига Марказий сайлов комиссиясининг тегишли қарори нусхаси топширилди. Демак, сайловга тайёргарлик жараёнида, сайлов кампанияси янада қизғин паллага кирмоқда.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасига ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига навбатдаги сайловлар ҳар томонлама юқори даражада ўтиши кутилмоқда. Чунки ўтган даврда барча сиёсий партиялар мустақамланди, сайловчилар сиёсий-ҳуқуқий маданияти янада юксалди. Сайловга оид қонунчилик такомиллаштирилди, энг илгор демократик қоидалар шакллантирилди. Бу галги сайловлар

◀ Давоми. Бошланғич 1-бетда.

қеага тайёргарлик жараёнлари ҳақида атрофлича ахборот берди.

Матбуот анжуманида таъкидланишича, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонуннинг 7-моддасига биноан парламент Қонунчилик палатасига сайлов бир юз ўттиз бешта ҳудудий бир мандатли сайлов округлари бўйича кўппартиявийлик асосида тўғридан-тўғри овоз бериш орқали ўтади. Марказий сайлов комиссияси маҳаллий давлат ҳокимияти органлари тақдирларини кўриб чиқиб, Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайлов ўтказиш учун сайлов округларини тўғри тўғрисида қарор қабул қилган. Сайлов округларининг номланиши, тартиб рақами, чегараси ва сайловчилар сони кўрсатилган рўйхат матбуотда эълон қилинди.

Қонунга мувофиқ, Марказий сайлов комиссияси парламент кўйи палатасига сайлов ўтказувчи округ сайлов комиссияларини ташкил



Санжар ШОТУЛАГАНОВ олган суратлар.

этиш ҳақида ҳам қарор қабул қилган. Округ сайлов комиссияси комиссия раиси, раис ўринбосари, котиби ва камид олти нафар бошқа аъзолардан иборат таркибда Марказий сайлов комиссияси томонидан тузилади. Округ сайлов комиссияларининг таркибини тасдиқлашда комиссиялар таркибига жамоатчиликнинг оғули вакиллари, давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайловларда иштирок этиб, таҳриба орттирган кишилар киритилишига алоҳида эътибор қаратилган.

Округ сайлов комиссияларига 1463 киши жалб этилган. Уларнинг 45,1 фоизи таълим соҳаси, 21,8 фоизи жамоат бирлашмалари, нодавлат нотижорат ташкилотлар, 8,1 фоизи соғлиқни сақлаш тизими вакиллари ҳисобланади. Комиссиялар аъзоларининг 66,9 фоизи илгари сайловларга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш жараёнида иштирок этган.

Округ сайлов комиссиялари аъзоларининг рўйхати комиссиялар манзили ва телефон рақамлари кўрсатил-

ган ҳолда, матбуотда эълон қилиниши кўзда тутилган. Матбуот анжуманида сайловга тайёргарлик кўриш билан боғлиқ бошқа жараёнлар ҳақида ҳам атрофлича маълумот берилди.

Тадбир якунида Марказий сайлов комиссияси раиси М.Абдусаломов мамлакатимизда ва чет эл оммавий ахборот воситалари вакиллари-нинг саволларига жавоб берди.

Тўлқин ТЎРАХОНОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

### МУНОСАБАТ

Ҳаёт шиддат билан ўзгариб бормоқда, биз кутган, кутмаган синовларни олдимизга қўймоқда. Жамият эртага қанақа бўлади, инсоният қандай яшайди, тараққиёт тезлашадими, сустлашадими?.. Тарих тажрибасидан маълумки, таълим тизимининг ривожланиши бу жараёнда ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир. Шунинг учун мамлакатимизда ёш авлод таълим-тарбияси, кадрлар тайёрлаш тизимига қаратилаётган эътибор давлат сиёсати даражасига кўтарилган ва бу ҳар кунги ҳаётимизда ўзининг самарасини намойён этмоқда.

## Ҳурмат ва ЭЪЗОЗ фидойиликка ундайди



Гулноза ЭРНАЗАРОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты, ЎзХДП фракцияси аъзоси.

Ҳақиқатдан ҳам, жамиятнинг бугуни ва эртаси таълим тараққиётига, бугун тарбияланаётган ёшларнинг билим ва истеъдодига бевосита боғлиқ. Айниқса, инсоннинг қалби ва онгини эгаллаш, ёшларнинг маънавий дунёсини издан чиқаришга қаратилган турли хавф-хатарлар тобора кучайиб бораётган ҳозирги шароитда ўғил-қизларни она-юртга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш гоятда муҳим аҳамиятга эга. Бу юксак вазифалар ўқитувчи ва мураббийлар зиммасидадир.

Президентимиз мамлакатимиз ўқитувчи ва мураббийларига йўллаган байрам табриқидан ҳам бу масалага алоҳида эътибор қаратади. Гоят масъулиятли ишни адо этиб келаятган устоз ва мураббийларнинг ҳеч нарса билан ўлчаб, қисслаб бўлмайдиган олижаноб меҳнатини ҳақиқий фидойилик мазмунаси, деб эътироф этиди. Ўз навбатида, бу масъулиятли ва шарафли касб эгалари меҳнати қадрланмоқда.

Табриқда биргина сўнгги беш йилда ойлик иш ҳақи халқ таълими муассасаларида 2,9 баробар, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимига қарийб 4 марта, олий таълим соҳасида 3,6 карра оширилгани, минглаб устоз ва мураббийлар, профессор-ўқитувчиларимиз Ватанимизнинг юксак унвонлари, орден ва медаллари билан тақдирлангани алоҳида таъкидланди.

Бу эътиборимизда соҳа ходимларига кўрсатилаётган чуқур ҳурмат ва эътиромнинг намунаси, албатта. Энг муҳими, ушбу эътибор ўқитувчи ва мураббийларга янада жонқуярлик билан меҳнат қилиш, ёш авлод камоли йўлида тинимсиз изланиши учун илҳом беради.

ЎзХДП дастурида мустақил ҳаётга қадам қўяётган ёшлар учун таълим олиш, касб танлаш, адолатли, ҳамма учун тенг ва ижтимоий мақбул шароитлар яратиш, ўқув юртларини битириб чиққандан сўнг уларни иш-сиёзликдан ишончли кафолатлаш, шунингдек, педагог ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш босқичма-босқич ошириб бориш ва машоар миқдорини ушбу касбнинг анъанавий нуфузига мос даражага етказиш учун зарур имкониятлар излаб топиш масалаларига эътибор қаратилган. Ватанимиз келажиги йўлида фидойи бўлиб меҳнат қилаётган ўқитувчи ва мураббийлар меҳнатини қадрлаш, уларни ижтимоий ҳимоя қилиш партияимизнинг дастурий вазифаларидан ҳисобланади.

Шу ўринда таъкидлаш керакки, ҳозирги тезкор давр, тобора ривожланиб бораётган ахборот замонида таълим-тарбия масаласи кундан-кун долзарб аҳамият касб этапти. Таълим тизимини замонавий ахборот технологияларига, илгор стандартларга уйғун тарзда такомиллаштириб бориш тақозо қилинган. Мамлакатимизда бу масалалар бўйича керакли ишлар амалга ошириляпти ва улар янада изчил тус олади, албатта. Чунки жамият тақдири ҳар доим таълим соҳасига чамбарчас боғлиқ бўлади.

www.xdp.uz

Ўзбекистон Халқ демократик партияси ташкилотлари, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси ҳамда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия гуруҳлари фаолияти ҳақида мазкур сайтдан батафсил ахборот олиш мумкин.

### ЎзХДП МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРИДА

ЎзХДП Юқори Чирчиқ туман кенгаши ташаббуси билан «Сайлов ташвиқоти давомиди сиёсий реклама ва янги технологиялардан унумли фойдаланиш» мавзусида тадбир ташкил этилди. Унда бошланғич партия ташкилотлари етакчилари, сиёсатшунослар, депутатлар, фаол аёллар ва ёшлар, шунингдек, таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси, Ўзбекистон истеъмол товарлари ишлаб чиқариши, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари касаба уюшмаси туман кенгашлари ходимлари иштирок этди.

## Очиқлик ва ошкоралик таъминланади

Сўзга чиққанлар сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатлари янада такомиллаштирилгани ҳақида сўз юритиб, бу демократик ислохотларни чуқурлаштиришда муҳим омил бўлаётганини таъкидлашди. Хусусан, ўтган давр мубайнида сайлов қонунчилигига киритилган қатор ўзгариш ва қўшимчалар сайловчиларга, сиёсий партияларга, депутатликка номзодларга сайловда эркин иштирок этиши учун барча зарур шарт-шароитларни яратди.

— Мамлакатимизда катта сиёсий жараён, яъни парламент ва давлат ҳокимиятининг маҳаллий вакиллик органларига сайловларни ўтказишга жиддий тайёргарлик кўриляпти. — деди Ўзбекистон Миллий телерадиокмпанияси сиёсий шарҳловчиси Қобилбек Каримбеков. — Сайловларнинг очиқлиги ва ошкоралигини таъминлаш масаласига алоҳида эътибор қаратиляпти. Масалан, сайлов жараёнининг барча босқичларида сиёсий партияларнинг кузатувчилари, ОАВ ходимлари, шунингдек, бошқа давлатлар, халқаро ташкилотлар ва ҳаракатлардан кузатувчилар иштирок этиши қонунчилигимизда мустақамлаб кўйилди. Бу эса сайловларни очиқ ва ошқора ўтказишнинг энг муҳим асосларидан биридир.

— Сайлов тизимининг изчил ва босқичма-босқич либераллашуви икки палатали парламент сайловларининг қонун талаблари ҳамда умумэтироф этилган халқаро принцип ва нормаларга тўла мос ҳолда ўтказилишини таъминлайди. — деди ЎзХДП Тошкент вилоят кенгаши «Истикбол» ёшлар қаноти етакчиси Илмижаҳон Тлеубергенова. — Шундан келиб чиқиб, биз сайловга оид қонунчилик асосларини сайловчиларга кенг тушунтириш, сайлов кампаниясида ёшлар ва хотин-қизларнинг фаол иштирокини таъминлаш, аҳолининг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишга қаратилган тадбирлар ўтказиб келаямиз. Бугунги тадбир ҳам шу мақсадда ташкил этилди.

Тадбир давомида депутатлар, партия фаоллари сайлов қонунчилиги юзасидан иштирокчиларни қизиқтирган саволларга жавоб беришди, 6 нафар ийгит-қизга партияга аъзолик гувоҳномалари тантанали равишда топширилди.

Латифжон МАНСУРОВ

## Брифинг бўлиб ўтди

Бугун жойларда Олий Мажлис Қонунчилик палатасига, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайловларни юқори даражада ташкил этиш ҳамда ўтказишга қизғин тайёргарлик кўриляпти. Самарқанд вилоят сайлов комиссияси томонидан журналистлар учун ташкил этилган брифингда комиссия раиси Азамат Умаров сайловга тайёргарлик жараёни ҳақида ахборот берди.

— Комиссия йиғилишларида сайлов кампаниясининг барча жараёнларини юқори даражадаги ушқоқлик билан

ташкил этиш вазифалари, халқ депутатлари вилоят Кенгашига сайлов ўтказувчи 60 та сайлов округи, 946 та сай-

лов участкасида ишларни босқичма-босқич, изчил олиб бориш, матбуот маркази фаолиятини йўлга қўйиш масалаларини муҳокама этиб бораёلمиз, — деди Азамат Умаров. — Сайловчиларнинг 74320 нафарини биринчи бор овоз берадиган ёшлар ташкил этиди. Айниқса, ана шу ёшлар иштирокида сайлов қонунчилиги тарбиясига ба-

ғишланган тадбирлар изчил амалга ошириляпти.

Тадбирда сайловчиларнинг ҳуқуқий билими ва хабардорлигини ошириш борасидаги ишларни янада кучайтириш, шунингдек, сайловларни умумэтироф этилган демократик таълимнинг рўйхати асосида ўтказишнинг бошқа масалалари ҳақида ҳам сўз борди.

Абдуракул САТТОНОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

### САВОЛ-ЖАВОБ

## Сайловолди ташвиқоти:

### ҳуқуқий асослар янада мустақамланди

Мазкур вазифаларни амалга ошириш мақсадида 2012 йилда «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги ҳамда «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари-га ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун қабул қилинди ва ҳаётга таъбиқ этилди.

### Сайловолди ташвиқоти қандай ва қай тартибда олиб борилади?



Назира МАТЯКУБОВА, ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ДЕПУТАТИ, ЎзХДП ФРАКЦИЯСИ АЪЗОСИ:

— Жамиятда демократик ислохотларнинг қай даражада чуқурлашгани бевосита сайлов тизимига бориб тақалади. Сайлов жараёнида раис ошқора руҳда ташкил этилган жойда фуқаролик жамияти қарор топади. Шунинг учун жамиятимизда яратилаётган бугунги шароитлар ўз-ўзидан сайлов тизимини янги босқичга кўтариб, бу борадаги қонуний асосларни мустақамлашга хизмат қилмоқда.

Давлатимиз раҳбари томонидан Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепциясида илгари сурилган гояларни ҳаётга таъбиқ этиш орқали сайловолди ташвиқотини олиб боришда депутатликка номзодлар ва

сиёсий партиялар учун тенг шароитлар яратилди. «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги Қонуннинг 25-моддасида, шунингдек, янги таҳрирда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонуннинг 27-моддасида сайловолди ташвиқоти тушуначи, уни олиб бориш турлари, шакллари ва усуллари белгилаб қўйилди. Сайлов кампанияси даврида амалга оширилядиган ва сайловчиларни депутатликка номзодни ёки сиёсий партияни ёқлаб овоз беришга ундашга қаратилган фаолият сайловолди ташвиқот ҳисобланади.

Қонуний асосларга кўра, сайловолди ташвиқоти олиб борилаётганда оммавий ахборот воситалари тенг шарт-шароит ва имкониятлар принцигига амал қилган ҳолда, депутатликка номзодларга, сиёсий партиялар вакилларига ўз эфир вақти ва нашр майдонини қонунда белгиланган тартибда тақдим этиди.

◀ Давоми. Бошланғич 1-бетда.

«Ўзбекистон овози» мухбири Лазиза ШЕРОВА тайёрлади.

# ЎЗБЕКИСТОН ТАШҚИ СИЁСАТИ:

## Ўзаро ҳурмат ва сиёсий музокара

### Биз ва дунё

Президентимиз мамлакатимиз мустақиллигининг 23 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқда бугунги ўта нотинч, таҳликали бир шароитда Ўзбекистоннинг ташқи сиёсатини яна бир бор маълум қилди. Биз барча муаммоларни, қарама-қаршиликларни фақатгина сиёсий йўл, тинч воситалар орқали ҳал этиш тарафдоримиз.

Бизга тинчлик ва омонлик керак. Ўзбекистон бу эзгу ниятга изчил амал қилиб келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигини кўлга киритиши биланоқ дунёдаги барча мамлакатлар билан ўзаро икки ҳамда кўп томонлама муносабатларини белгилашда биринчи навбатда тинчликпарварлик тамойилга амал қиладиган ички ва ташқи сиёсат юритишини жаҳонга маъ-

гунги кунда ушбу ҳаётий ҳақиқатнинг кадр-қиммати янада юксак ва теран мазмунга эга. Истиқлол йилларида мамлакатимиз ташқи сиёсатининг асосий йўналиши ҳам ана шу устувор вазифалар ижросига оғимай амал қилиб келинаётгани билан ҳам муҳим аҳамият касб этади.



### ни амалда намойён эта бошладик».

Албатта, Ўзбекистон ҳукумати томонидан тинчликпарвар ички ва ташқи сиёсатнинг тарғиб этилишида қатор тарихий, ғойий-маънавий асослар мавжуд. Бугун меҳнаткаш, бағрикенг ўзбек халқи, кўп миллатли Ўзбекистон узоқ ўтмиш силсиласида эришган маънавий қадриятлари негизда фуқаролик жамиятини барпо этишида осойишталикнинг аҳамияти беқиёс. Чунки, барқарор тараққиётнинг узлуксиз таъминлини учун, халқроқ саҳнада тинчликни қўллаб-қувватлаш долзарб масала ҳисобланади.

Машҳур Америка олими Самуэль Хантингтон ўзининг асарларида янги даврда «маданиятлар тўқнашуви»ни баҳорат қилган бўлса, биз бунини «маданиятлар учрашуви» деб баҳолаб, инсониятнинг эндиги тарихий босқичи ўзаро ҳамжихатлик ва осойишталикда яшаши учун катта бир имконият дари бўлади, деган фикрини илгар сурмоқчимиз. Бинобарин, бозор иқтисодиёти асосидagi

дунёвий жамиятга интилиш, бу — дунёнинг кўпчилик мамлакатлари танлаган магистрал йўл бўлиб, мазкур оқим қайсидир маънода давлатлар ўртасида истаимизми-йўқми ўзаро компромисс (келишув) муҳитини яратиб заруратини ифода-лайди.

Зеро, XX асрнинг сўнгги чораги ва ҳатто ҳозиргача давом этиб келаётган дунёнинг айрим нукталарида, жумладан, бизга яқин Афғонистонда юзага келган беқарор вазият жаҳон ҳамжамиятидан бу масалаларга ўта жиддий ва ҳушёрлик билан эътибор қаратишни, уларнинг ечимини топишда оқилна йўл тутишни тақозо этади. Жаҳон харитасида пайдо бўлган янги мустақил давлат — Ўзбекистон ва унинг Президенти бу борада қатор тақдирлар билан чиқди. Марказий Осиёнинг «ядро қуроли»дан холи ҳудудга айлантирилиши, Афғонистон бўйича Тошкент музокаралари, минтақанинг келгусидаги хавфсизлик архитектурасининг мустақамлашилдида Ўзбекистон ташаббуслари муҳим амалий аҳамиятга эга бўлди. Хусусан,

афғон муаммосини фақат ҳарбий йўл билан ечиб бўлмастлиги ва бу можарони сиёсий воситалар билан ҳал этиш учун аввалдан фаолият юритиб келаётган мулоқот гуруҳини «6+3» гуруҳига айлантириш борасидаги давлатимиз раҳбарининг НАТО ташкилотининг 2008 йилда Бухарестдаги саммитида билдирган тақдирларда қизгин муҳокама қилиниб, қўллаб-қувватланди. Янги форматдаги ушбу гуруҳга Афғонистон билан қўшни бўлган олтинта давлат, АҚШ ва Россия ҳамда НАТО ташкилотининг вакиллари кириши кўзда тутилган бўлиб, уларнинг асосий вазифаси афғон муаммосини сиёсий, яъни дипломатик воситалар билан ҳал этиш йўллари-ни излаб топишга қаратилди. Бу узоқ йиллардан буён беқарорлик ўчоғи бўлиб келаётган минтақада тинчлик ва осойишталикни ўрнатишда муҳим омил бўлиши шубҳасиз. АҚШнинг Жон Хопкинс университети қошидаги Марказий Осиё ва Кавказ институти раҳбари, профессор Фредерик Старнинг таъкидлашича, Президент Ислом Каримов Афғонистондаги вазиятни «ўта оғир ва нозик» дея, аниқ ҳамда равшан таҳлил этди. Бугунги кунда афғон муаммосини ҳарбий йўл билан ҳал этиб бўлмастлигини реал фикрлай оладиган ҳар бир инсон ташунлиб етмаслиги мумкин эмас.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон мустақилликка эришганидан буён шу вақтгача тадрижий равишда амалга ошириб кел-лаётган ташқи сиёсати бе-

шунчалик қузатувчи мақомидаги сиёсат эмас, балки халқроқ муносабатлар тизимининг тенг ҳуқуқли, фаол аъзоси сифатидаги аниқ мақсадларни қўзлаган тинчликпарвар сиёсат эканлигини ҳар бир ташла-наётган жиддий қадамлар мисолида кўришимиз мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг халқроқ майдонда олиб бораётган ташқи сиёсатини, унинг мамлакатимизнинг миллий манфаатларига жавоб берадиган стратегик устувор йўналишларини янада такомиллаштириш бугунги кунда энг долзарб масалалардан бири бўлиши табиийдир. Шу боис 2012 йил сентябрь ойида «Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсий фаолияти концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги қонун қабул қилинди. Унда Ўзбекистон Республикасининг турли ҳарбий сиёсий блокларга кирмаслиги, ўзининг суверенитети ва ҳудудий яхлитлигини ҳимоя қилиш бўйича қатъий позицияга эга бўлиши ҳамда ўз ҳудудида хоржий давлатларнинг ҳарбий базалари жойлаштирилишига йўл қўймаслиги, очик, изчил ва фаол ташқи сиёсат олиб бориши каби тинчликпарварлик тамойилларига йўғрилган эзгу-мақсадлар мужассамдир. Зеро, Президентимиз таъкидлаганидек, қон-қонимизга сингиб кетган бизга тинчлик ва омонлик керак, тамойилни амалга ошириш барчамиз учун долзарб вазифадир. Шубҳасиз, тинчлик дипломатиясини тарғиб қилиш ва қўллаб-қувватлаш халқлар ҳамда давлатлар ўртасидаги дўстлик, юксалиш ва тараққиёт омилдир.

**Адаб ХУДОЙҚУЛОВ,**  
Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети ўқитувчиси.



## «Лочин» ва «бургут»лар

### аэропортни қўриқлайди

Маълумки, бугунги кунда дунё аэропортлари атрофини макон тутган кушлар галаси самолётлар парвозига жиддий ҳаққат бермоқда. Узига хос бу муаммони эса турли давлатлар турлича бартараф этмоқдалар. Масалан, Лейденда аэропорт атрофидаги куш уялари бузиб, тухумлари йўқ қилинса, Гаагада муниципал маъмурият лазер нуруларидан фойдаланмоқда. Амстердамдаги Схипхол аэропорти атрофида эса турли кушлар ва гозларни оммавий овлашга расмий рўхсат берилган.

Аммо бу каби чоралар самараси кам бўлмоқда. Шу боис Голландиянинг Энсхед шаҳридаги Твент университети мутахассислари пар-



возларга зарар келтираётган кушларга қарши янги чора ўйлаб топди. Яъни лочин ва бургутларнинг механик қурилмаларини, аниқроғи, робот-лочин ва робот-бургут яратди.

Бу механик «куш»ларнинг афзаллиги шундаки, улар ёрдамда аэропортлар атрофидаги кушларни узоқларга ҳайдаш мумкин.

«Мир новостей» ҳафталигида чоп этилган ахборотда қайд этилишича, яқинда робот-кушлар чайқалар тўдасига қарши синовдан ўтказилди. Натижа чакки эмас.

Мазкур механизм янада мукамаллаштирилиб, келгуси йилда улар аэропорт ҳудудларида синиб кўрилади. Агар уларнинг самараси аэропортлар маъмуриятларини қониқтирса, бундай механик «куш»ларни оммавий ишлаб чиқариш йўлга қўйилади.

## Пиёда юриш

### кони фойда

Пиёда юриш кони фойда эканлигини барчамиз яхши биламиз. Лекин манзилга тезроқ етиш мақсадида транспорт уловидан фойдаланамиз. Бироқ Шарқий Англия университети олимлари кенг жамоатчиликни автоматбилдан воз кечиб ва пиёда ёки велосипедда ҳаракатланишга чақирмоқда, дейилади университет сайтида эълон қилинган ахборотда.



Уларнинг айтишича, ҳатто жамоат транспортидан фойдаланиш ҳам ўз автомобилида ҳаракатланишдан кўра, саломатлик учун бир неча чандон фойдалидир. Улар 18 йил давомида 18 минг киши саломатлигини қузатиб, шундай ҳулосага келишди.

Норвич табиёт мактаби ва Йорк университетининг Саломатлик иқтисодиёти маркази мутахассисларининг тасдиқлашича, ишга пиёда ёки велосипедда борган кишиларда ҳаётдан завқланиб яшаш ҳисси кучли бўларкан. Ўз машинасида ҳаракатланиш эса улар кайфиятига акс таъсир қилиши аниқланди. Яъни йўлдаги тирбандликлар, қоидабузарликлар улар кайфиятига таъсир қилмай қолмайди.

Норвич табиёт мактаби ва Йорк университетининг Саломатлик иқтисодиёти маркази мутахассисларининг тасдиқлашича, ишга пиёда ёки велосипедда борган кишиларда ҳаётдан завқланиб яшаш ҳисси кучли бўларкан. Ўз машинасида ҳаракатланиш эса улар кайфиятига акс таъсир қилиши аниқланди. Яъни йўлдаги тирбандликлар, қоидабузарликлар улар кайфиятига таъсир қилмай қолмайди.

## ФАН ВА ТАРАҚҚИЁТ

Янги инновацион технология асосида ишловчи мазкур қурилма гўза ва бошқа экинларни ҳар хил зараркунандалардан ҳимоя қилишда муҳим аҳамиятга эга.

## Миниавиация ёрдамида

### зараркунандаларга қарши курашиш юқори самара беради

— Қурилма ёрдамида ҳашоратларга қарши воситаларни тарқатиш асосан ҳаводан туриб бажарилганлиги туфайли тупроқни зичланишдан сақлайди, қўл меҳнатини камайтиради, — дейди Андижон қишлоқ хўжалиги институти доценти Абдумутал Парпиев. — Шунингдек, гўза зарарлангани олдини олиш ҳисобида пахта ҳосилдорлигини гектарига 5-6 центнерга оширади. Таклиф



Шухрат ИСЛОМОВ

этилаётган қурилманинг қўлланилиши ёнилги-мойлаш воситалари сарфини камайтиради ҳамда экинларни қисқа муддатда дориланиш амалга оширади. Масофадан туриб миниавиация ёрдамида зарарли ҳашоратларга қарши кураш воситаларни тарқатиш усулини боғдорчилик, галла ва сабзавот етиштиришда ҳам қўллаш юқори самара беради.

## ТАДБИР

## Кун тартибидида — қонун ижодкорлиги

Адлия вазирлиги томонидан ўтказилган навбатдаги матбуот анжуманида маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг қонун ижодкорлиги соҳасида амалга ошираётган ишлари юзасидан журналистларга батафсил маълумот берилди.

Таъкидлаш лозимки, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш бу — ижодий ёндашув ва кўп меҳнат талаб қиладиган жараён. Ташкилий тадбирлар, катта ҳажмдаги таҳлилий ишлар, зарурий материаллар ва маълумотлар тўплаш, лойиҳа матнини тузиш ва уни ҳар томонлама асослантириш, лойиҳани ҳуқуқий ва бошқа экспертизадан ўтказиш шулар жумласидандир. Мазкур жараёнларни амалга ошириш

эса ўз навбатида юридик хизмат ходимларининг шахсий масъулиятини янада кучайтириши талаб этади. Бу жараёнда белгиланган тартибга риоя қилиниши устидан назоратни амалга ошириш адлия органлари фаолиятининг муҳим йўналишларидан бири саналади. Ҳозирда адлия органлари томонидан маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг 20 турдан ортиқ ҳужжатлари норматив-ҳуқуқий ҳужжат сифатида

фатиха ҳуқуқий экспертизадан ўтказиб келинмоқда.

Тадбирда қайд этилганидек айрим маҳаллий давлат ҳокимияти органларида бу борада бир қатор камчиликларга йўл қўйилганлиги аниқ йилнинг ўтган тўққиз ойи давомида қонун ҳужжатларини туркумлаш соҳасидаги қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш юзасидан маҳаллий давлат ҳокимияти органларига 231 та тақдимнома киритилган бўлиб, ушбу тақдимномаларга асосан 310 та қонунга эйд равишда қабул қилинган қарорлар бекор қилинган ҳамда 67 нафар масъул ходимлар интизомий

## Реклама

### «TOSHKENT UNIVERSAL AUCTIONS SAVDO» МЧЖ

бошланғич нархи босқичма-босқич ўсиб бориш тартибидagi очик аукцион савдоларига таклиф этади

**2014 йил 16 октябрь кунини ўтказиладиган такоррий очик аукцион савдоларига:**  
Тошкент ш., Миробод тумани, Нукус кўчаси, 73-«Б» уйда жойлашган Ўзбекистон Республикаси Парвозлар Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси балансидаги 2001 й. и/ч, д/р 01/487JCA, бошланғич нархи 19 540 000 сўм бўлган «ДЭУ МАГНУС», 2001 й. и/ч, д/р 01/485JCA, бошланғич нархи 18 910 000 сўм бўлган «ДЭУ МАГНУС 2.0»; Тошкент ш., Миробод тумани, Шахрисабз кўчаси, 25-уйда жойлашган Тошкент давлат шарқшунослик институти балансидаги 1996 й. и/ч, д/р 01/526CBA, бошланғич нархи 13 997 100 сўм бўлган «Нексиа»; Тошкент ш., Яққасарой тумани, Бобур кўчаси, 14-уйда жойлашган «Toshkentboshplanlit» ДУК балансидаги 2006 й. и/ч, д/р 01/298TBA, бошланғич нархи 35 398 420 сўм бўлган «Ниссан Максима» русумли автотранспорт воситалари қайта қўйилади.

**2014 йил 13 ноябрь кунини ўтказиладиган очик аукцион савдоларига:**  
Тошкент ш., Яққасарой тумани, Олмазор кўчаси, 4-уйда

жойлашган Ўзбекистон Республикаси Президентини Девони Ишлар бошқармаси транспорт бўлими балансидаги 2000 й. и/ч, бошланғич нархи 4 019 226 сўмдан бўлган д/р 01/045PPP, «ГАЗ-3102311»; д/р 01/053PPP, «ГАЗ-3102311»; д/р 01/067PPP, «ГАЗ-3102»; д/р 01/073PPP, «ГАЗ-3102»; д/р 01/077PPP, «ГАЗ-3102»; д/р 01/081PPP, «ГАЗ-3102311»; д/р 01/082PPP, «ГАЗ-3102»; д/р 01/084PPP, «ГАЗ-3102311»; д/р 01/086PPP, «ГАЗ-3102-311»; д/р 01/137PPP, «ГАЗ-3102311» русумли автотранспорт воситалари қўйилади.

Талабдорлардан бюртнома-ларни қабул қилиш, расмий иш кунларида мазкур эълон чиққан кундан бошла-нади ва савдо кунидан 2 (икки) кун аввал соат 18-00да тўхтатилади. Савдоларда қатнашиш учун бошланғич нархнинг қамиди 20 фоизи миқдоридagi закалат пули «Toshkent universal auctions savdo» МЧЖнинг АТИБ «Ипотека-банк» Шайхонтоҳир филиалидаги ФА 00425, СТУР 302071274, 2020 8000 7049, 2931 8001 ҳисоб-рақамига тўланади. Савдо қилинган савдо кунидан бошлаб йигирма кун муддат ичида олди-сотди шартномасини имзолаш, тўланган закалат пули миқдори сотиб олиш тўлови миқдорининг 15 фоизидан камини ташкил этган тақдирда, етишмаётган суммани шартнома тузилгунга қадар тўлаб бериш шартлари оқлатилади. Мазкур автотранспорт воситалари юқорида белгиланган савдо кунидида сотилмаган тақдирда, улар бўйича такоррий аукцион савдолари, улар сотилгунга қадар навбатдаги ҳафталарнинг ҳар пайшанба кунлари ўтказилади. Ушбу автотранспортларнинг ҳолати билан сотувчи ташкилотнинг юқорида кўрсатилган манзилига бориб та-нишиш мумкин. Аукцион савдолари соат 15-00да бошланади ва куйи-да кўрсатилган манзилда бўлиб ўтади: **Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темуру шох кўчаси, 16-«А» уй, 3-қават, 307-хона (Мажлис залли).** **Мурожаат учун алоқа воситалари:** телефон: 233-02-49; телефакс: 233-23-40, электрон почта: TUAS\_MCHJ@mail.ru **Гувоҳнома № 005357**

## Экспорт салоҳияти ошмоқда

Вилоятнинг барча шаҳар ва туманларида тадбиркор ва фермерлар билан ўтказиладиган учрашувлар иштирокчиларига кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш, ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ҳуқуқий, ташкилий ва молиявий ёрдам кўрсатиш мақсадида қабул қилинган қонун, қарор ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳақида батафсил тушунчалар бериб боришмоқда. Шунингдек, хоржий давлатлардан харидор топиб бериш, халқроқ ярмарка, кўргазма ва тендерларда иштирок этишни ташкиллаштириш, экспорттоп махсулотларни суғурталаш ва сертификатлаштиришга оид ишлар бажарилаётганлиги

ҳақида маълумотлар тақдим этилмоқда.

Филиал мутахассислари томонидан жорий йилда санаот соҳасини ривожлантириш давлат дастурига кирган вилоятдаги 158 та корхонанинг экспорт имкониятлари ўрганиб чиқилди. Шундан экспорт салоҳиятига эга бўлган 18 та корхона ажратиб олинди, улар ишлаб чиқараётган махсулотларга хоржидан ҳамкорларни топиш ишлари олиб боришмоқда. Жорий йилнинг 9 ойи давомида экспорт масалалари юзасидан филиалга мурожаат қилган 35 та корхонадан 12 тасига ҳақдор топиб берилди ва 2,4 млн. АҚШ доллари миқдоридида шартномалар тузилишига эришилди.

## Хизматлар лицензияланган.

Шаҳноза РЎЗИЕВА

# Навбат — ПараОсиё ўйинларига

СПОРТ

Шу йилнинг 18-24 октябрь кунлари Жанубий Кореянинг Инчئون шаҳрида ПараОсиё ўйинлари бўлиб ўтади



Паралимпиячиларимизга яна шундай ғалабалар билан юртимизга қайтишларини тилаймиз.

Қитғамизнинг мазкур нуфузли мусобақасида 42 мамлакатдан тўрт минг нафардан зиёд спортчи гуноблар учун баҳslashади. Ушбу йирик спорт анжуманида 27 нафар ҳамюртимиз энгил атлетика, дзюдо, сузши ва ўқ отиш турлари бўйича мусобақаларда Ватанимиз шарафини ҳимоя қилади.

Куни кеча Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитасида паралимпиячиларимизни кузатишга бағишланган тадбир ўтказилди. Унда сўзга чиққан Ўзбекистон Миллий Олимпия қўмитаси президенти М.Усмонов, Маданият ва спорт ишлари вазирининг биринчи ўринбосари М.Алиев ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда олимпия ҳаракатини ривожлантиришга қаратилган юксак эътибор самарасида жисмоний имконияти чекланган фуқаролар ўртасида спортга қизиқиш алоҳида таъкидланди.

Давлатимиз раҳбарининг 2013 йил 25 февралдаги «Ўзбекистон спортчиларини 2016 йилда Рио-де-Жанейро шаҳрида (Бразилия) бўлиб ўтказилган XXXI ёзи Олимпия ва XV Паралимпия ўйинларига тайёрлаш тўғрисида» қарори паралимпиячиларимизнинг замонавий меъерлар асосида ўқув-машғулот йиғинларини ўтказиши, халқаро мусобақа-

ларга пухта тайёрларлик кўриши ва муносиб иштирок этиши учун қулай шарт-шароит яратишда муҳим дастуриламал бўлмоқда. Бунинг натижасида паралимпиячиларимиз жаҳон ва китба чемпионатларида, ПараОсиё ва Паралимпия ўйинларида муваффақиятли иштирок этиб келаётди.

Жумладан, шу йилнинг сентябрь ойида АҚШнинг Колорадо-Спрингс шаҳрида дзюдо бўйича паралимпиячилар ўртасида ўтказилган жаҳон чемпионатида Ватанимиз шарафини ҳимоя қилган 15 нафар дзюдочимнинг 8 нафари ғолиб ва совриндор бўлди.

— Ушбу йирик мусобақада дунёнинг саксондан ортиқ давлатидан 500 нафардан зиёд дзюдочи совринли ўринлар ҳамда 2016 йили Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳрида бўладиган XV ёзи Паралимпия ўйинларига йўлланма берувчи рейтинг очколари учун беллашди, — дейди жаҳон чемпиони **Одилжон Тулендибоев**. — Унда кўлга

киритган ғалабам шарафига Ватанимиз байроғи баланд кўтарилиб, давлатимиз мадҳияси янграганда, кўксим ғурур-ифтихорга тўлди. Бу ютуқ, аввало мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида биз каби ёшларга қаратилган юксак эътибор, ўз салоҳиятимизни рўйбга чиқаришга яратилган шарт-шароитлар туфайлидир. Мақсадим яна бир неча кундан сўнг, Жанубий Кореянинг Инчئون шаҳрида бошланадиган ПараОсиё ўйинларида ҳам муваффақиятли иштирок этишидир.

— Бу йил паралимпиячиларимиз учун ютуқларга бой бўлмоқда, — дейди **Ўзбекистон Миллий паралимпия ассоциацияси раиси ўринбосари Умид Аҳмаджонов**.

микёсидаги мусобақаларда муносиб катнашиб, навбатдаги ПараОсиё ўйинларига пухта ҳозирлик кўрдилар. Бундан тўрт йил аввал Хитой-

дални кўлга киритган эди. Бу галги мусобақалар катнашчилари орасида Лондон Паралимпияси совриндори Шариф Халилов, жаҳон чемпиони Одилжон Тулендибоев, жаҳон чемпионати совриндорлари Ширин Шарипов, Шухрат Бобоев, Шерзод Намозов, Нурбек Бердиёров ва Феруз Сайидов, Дониёр Солиев, Осиё рекордчилари Фахриддин Ҳамроев ва Ёқубхон Холбеков, қатор нуфузли турнирлар ғолиб ва совриндорлари Миран Саҳатов, Хусниддин Норбеков, Убайдулла Йомқуллов, Мавлонбек Хайдаров сингари тажрибали спортчилар борлиги ютуқларимиз салмоғи янада ортшига замин яратиши табиий.

Эслатиб ўтамиз, Ўзбекистон спорт делегацияси аъзолари 12 октябрь куни Инчئون шаҳрига йўл олади. 14 октябрда эса маҳаллий вақт билан соат 16:00 (Тошкент вақти билан соат 12:00)да Олимпия шаҳарчасида давлатимиз байроғининг кўтарилишига бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтади.

ПараОсиё ўйинларининг тантанали очилиш маросими 18 октябрь куни ўтказилади. Мазкур мусобақада 2016 йили Рио-де-Жанейро (Бразилия)да бўладиган VI ёзи Паралимпия ўйинларининг йўлланмалари уйналади.

**Эркин ХОЛБОБО,**  
**«Ўзбекистон овози» муҳбири.**

Ўзбекистон спорт делегацияси аъзолари 12 октябрь куни Инчئون шаҳрига йўл олади. 14 октябрда эса маҳаллий вақт билан соат 16:00 (Тошкент вақти билан соат 12:00)да Олимпия шаҳарчасида давлатимиз байроғининг кўтарилишига бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтади.

— Спортчиларимиз Бирлашган Араб Амирликлари, Тунис, АҚШ каби давлатларда ўтказилган жаҳон ва кўлга

нинг Гуанчжоу шаҳрида бўлиб ўтган ПараОсиё ўйинларида ҳамюртларимиз 1 олтин, 2 кумуш ва 3 бронза ме-

## Ўқинг, қизиқ!

Сурхон воҳасининг шимол — сўлим Сариосиё туманидан 35-40 қақиримча олисда қулкан Сангардак тоғи ястанган. Минг йилларга гувоҳ пурвиқор тоғ нафақат ўзининг бетакрор шаршараси, балки олма боғлари билан ҳам машҳур.



## Ярим кило тош босадиган олма

Сангардак тоғларида умумий айланаси 38 сантиметрдан ортиқ мева берадиган олма боғлари кўп

Азим тоғларга туташ лалми боғда етилган олмадан бирини тарозига қўйдик: оғирлиги ярим килодан ошди. Эни-8,5, бўйи-10,5, умумий айланаси эса 38 сантиметрдан ортиқ экан.

— Бундан икки йил илгари адирликда 200 тупга яқин «Кримсон» навли кўчат экиб, боғ яратгандик, — дейди боғбон Илҳом Ҳамроев. — Бу йил уларнинг ҳар биридан ўртача 100-150 кило мева олишни мўлжаллаб турибмиз.

товланувчи олмалар кафтингизга аранг сиради. Ҳар бир шоҳдаги гулжада ўртача 3-4, баъзиларида эса 7-8 тагача ана шундай мева бор. Тоғ бағридаги бу мўъжизадан ҳайратланмаслик мумкин эмас.

Ҳа, жаннатмонанд юртимизнинг тоғу тошлари-ю, ҳар сиқим тупроғи нафақат бойлик манбаи, балки мўъжизалар макони ҳамдир...

**Абдумалик ҲАЙДАРОВ,**  
**«Ўзбекистон овози» муҳбири.**

## КАМАЛАК ЮЛДУЗЛАРИ

## Истеъдодли ёшлар танлови

«Камалак юлдузлари» республика болалар ижодий фестивалининг Самарқанд шаҳар босқичи бўлиб ўтди.

Усиб келатган ёш авлоднинг санъат ва адабиётга қизиқишини ошириш, иқтидорли ёшларни кашф этиш ва қўллаб-қувватлаш мақсадида Самарқанд шаҳар маданият ва спорт ишлари, халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлимлари ҳамда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати шаҳар кенгаши ҳамкорлигида ташкил этилган тadbирда 6 ёшдан 14 ёшгача бўлган 500 нафардан ортиқ истеъдодли болалар катнашди.

— Танловда иштирокчилар мумтоз мусика, вокал, миллий чолғу,

рақс ижрочилиги, тасвирий ва амалий санъат, шеърят йўналишларида ўз истеъдодларини намойиш этди, — дейди «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Самарқанд шаҳар кенгаши раиси ўринбосари Анавар Ҳамроев. — Уларнинг чиқишлари ва ижодий ишлари ҳакамлар ҳайъати томонидан муносиб баҳоланди. Шунингдек, катнашчилар учун тажрибали мутахассислар маҳорат машғулотлари ўтди.

Танлов якунида барча йўналишлар бўйича ғолиблар аниқланиб, улар мамлакат босқичида қатнашиш ҳуқуқини кўлга киритди.

**Ғ.ҲАСАНОВ,**  
**ЎЗА муҳбири**



Таъкидлаш жоизки, ўтган қисқа даврда банк мамлакатимиз микромоялаш тизимининг асосий бўғини сифатида тўла шаклланди. Чунинчи, бугунги кунда яқка тартибдаги тадбиркор энг кам иш ҳақининг 50 баробари, юридик шахс — деҳқон хўжалиғи, микрофирма энг кам иш ҳақининг 100 баробари, фермер хўжалиғи эса 200 баробари миқдорда бошланғич сармола шаклидаги банк микрокредитларидан фойдаланмоқда.

Эътиборлиси, кичик бизнес субъектларига фаолиятини кенгайтириш ва бизнесини ривожлантириш учун энг кам иш ҳақининг 500 баробаригача миқдорда имтиёзли микрокредитлар аж-



ратилмоқда. Энг кам иш ҳақининг 2000 баробаригача миқдорда микролизинг хизматлари кўрсатилмоқда.

Банк томонидан республикамизнинг ҳар бир ҳудудига тадбиркорлик субъектлари билан семинарлар ўтказиш мунтазам йўлга қўйилган. Жумладан, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ҳамкорлигида чекка туманлар, марказдан олисда жойлашган қишлоқ фуқаролар йиғинларида ҳам шундай тадбирлар ўтказилмоқда. Масалан, Узун тумани марказидан 50-80 км олисда жойлашган «Хонжиза», «Бобот» каби маҳалла ёки Фориз тумани, Гараша қишлоқ фуқаролар йиғинларида ўтказилган шундай тадбирлар аҳолининг иқтисодий билими ошишига ва янги тадбиркорлик субъектлари яратилишига асос бўлмоқда.

Молия муассасаси томонидан Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси билан ҳамкорликда амалга оширилган «Ўзбекистон аёлларининг иқтисодий ҳуқуқларини ҳаётга кенг татбиқ этиш» лойиҳасининг мақсади оддий қишлоқ аёлларининг тадбиркорлик қобилиятини ривожлантириб, ўз бизнесини бошлашига ҳамда оиласининг иқтисодий ахволи янада яхшиланишига кўмак бериш орқали уларнинг ижтимоий фаоллигини оширишдан иборатдир. Лойиҳанинг биринчи босқичида 174 аёл микрокредитлар олган бўлса, иккинчи босқичда 360 нафардан ошқ аёлга имтиёзли бошланғич сармоалар ажратилди.

Шунингдек, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси билан аёллар, ёшлар, хусусан, касб-хунар коллежлари битирувчиларининг тадбиркорлик фаолиятларини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида ишлаб чиқилган режага кўра, Нурота, Мўйноқ, Ёзёвон, Узун, Касби, Мингбулоқ ва Хонқа каби туманларда «Банк ва коллеж ҳамкорлиги» лойиҳаси доирасида «Ёшларнинг бизнесдаги биринчи қадами!» мавзусида тадбирлар ташкил этилди. Уларда жами 593 нафар битирувчи, жумладан, 333 қизларга бошланғич сармола ажратилиши бўйича сертификатлар ҳамда тикувчилик билан шуғулланиш ниятида бўлган 47 нафар қизга тикув машиналари тақдим этилди. Бунинг натижасида мазкур туманларда қўшимча равишда 628 та янги иш ўрни яратилди.

Шунингдек, «Қорақалпоқ аёлларининг иқтисодий билимларини ҳаётга кенг татбиқ этиш» лойиҳасига кўра, Тикозек, Бозатау, Мадели қишлоқ фуқаролар йиғинлари ҳудудларида эҳтиёжманд оилалар аъзоларидан бўлган 110 нафар қишлоқ аёлнинг иқтисодий билими оширилди, тадбиркорлик билан шуғулланишлари

## РЕКЛАМА ЎРНИДА

# Микросармоалар аҳоли ижтимоий-иқтисодий фаоллигини оширишга хизмат қилмоқда

Мамлакатимиз иқтисодийетини барқарор ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлашда барча молия муассасалари қатори «Микрокредитбанк» АТБнинг ҳам ўзига хос ўрни бор.

учун жами 220 млн. сўм миқдорда бошланғич сармоалар ажратилди.

Бугунги кунда ишбилармонлик кўникмаларига эга аёлларни кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кенг жалб этган ҳолда, уларнинг ўз салоҳиятларини намоён қилиши учун зарур шарт-шароитлар яратиб беришмоқда. Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ва Европа Иттифоқининг «Эҳтиёжманд оилаларга даромад манбаларини яратишда ижтимоий ёрдам кўрсатиш имкониятларини кенгайтириш бўйича янги дастурлар» қўшма лойиҳаси ани шу мақсадга йўналтирилган.

«Соғлом бола йили» Давлат дастурига мувофиқ ишлаб чиқилган ушбу лойиҳага кўра, Тошкент шаҳри, Тошкент ва Сирдарё вилоятларининг белгиланган туманларида ташкил этилган «Ахборот ойна»ларида жорий йил давомида 500 нафардан зиёд ишсиз аёл ва ёшларни тадбиркорлик фаолияти бўйича ўқув дастурларига жалб этиш ҳамда уларнинг камида 120 нафарига бизнес лойиҳа ишлаб чиқишда, кам фойзли микрокредитлар олиш ва тадбиркорлик фаолиятини бошлаши учун амалий кўмак кўрсатилади. Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ва «Микрокредитбанк» АТБ ўртасидаги ҳамкорлик меморандуми ва тегишли шартномага кўра, ушбу туманлар маҳаллаларида банк мутахассислари ўтказаятган махсус семинарларда бизнесрежа тузиш юзасида дастлабки кўникмалар бериб боришмоқда, тайёрланган истиқболли лойиҳаларга имтиёзли микрокредитлар йўналтирилмоқда.

Мухтасар айтганда, «Микрокредитбанк» АТБ томонидан ажратилаётган имтиёзли микрокредитлар жойларда, аниққаса, чекка ва олис ҳудудларда аёллар ва касб-хунар коллежлари битирувчиларининг бошланғич сармоаларини шакллантиришга замин яратиб, аҳоли фаровонлигини оширишга катта ҳисса қўшапти.

Банк матбуот хизмати.

Куни кеча мамлакатимиз биринчи лига жамоалари навбатдаги турда майдонга тушди.

## «Шўртан» — олий лигада!

Футбол бўйича Ўзбекистон биринчилиги вакили — Фузорнинг «Шўртан» жамоаси мuddатидан олдин олий лига йўлланмасига сазовор бўлди

Фузорнинг «Шўртан» жамоаси ўз майдонида Тошкентнинг «Оқтепа» футболчиларини қабул қилиб, мавсумдаги йигирма учинчи ғалабасини кўлга киритди. Натижада фузорликлар ўз ҳисобларидаги очколар сонини 70 тага етказиб олди. Бу эса Мухтор Қурбонов шогирдларига мuddатидан тўрт тур аввал олий лига йўлланмасини тақдим этди. Аини чоғда «Шўртан» жамоаси энг яқин таъқибчиси — «Кўкун-1912» вакиллари 8 очко билан ортда қолдирилмоқда.



Охириги турнинг қолган учрашувларида эса қуйидаги натижалар қайд қилинди: «Зомин» — «Истиклол» — 4:1, «Орол» — «Хотира-79» — 2:1, «Хоразм» — «Уз-ДонҒу» — 1:1, «Фаллакор-Автомобилчи» — «Пахтакор-2» — 1:2, «Машал-2» — «НБУ-Осиё» — 0:0, «Шердор» — «Обод» — 1:2, «Аланга» — «Кўкун-1912» — 1:3.

Навбатдаги йигирма еттинчи тур учрашувлари 15 ва 16 октябрь кунлари бўлиб ўтади.

**Самандар БОБОРАЖАБОВ,**  
**ЎЗДЖТУ талабаси.**

ОБ-ҲАВО	11.12.10 — 2014
<b>Юртимиз бўйлаб (°C)</b>	
<b>Қорақалпоқiston Республикаси ва Хоразм вилояти</b>	
+0 / +5	+13 / +18
<b>Бухоро ва Навоий вилоятлари</b>	
+3 / +8	+17 / +22
<b>Тошкент, Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятлари</b>	
+3 / +8	+17 / +22
<b>Қашқадарё ҳамда Сурхондарё вилоятлари</b>	
+5 / +10	+19 / +24
<b>Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятлари</b>	
+3 / +8	+17 / +22
<b>Тошкент шаҳри</b>	
+3 / +5	+18 / +20
<b>Дунё бўйлаб (°C)</b>	
Лондон	+17 / +15
Париж	+20 / +19
Москва	+16 / +15
Мадрид	+20 / +17
Пекин	+22 / +17
Канберра	+26 / +27
Рим	+27 / +27
Афина	+26 / +26
Токио	+24 / +24
Стокгольм	+14 / +13
Кейптаун	+23 / +21
Қоҳира	+29 / +29
Гавана	+31 / +31
Вашингтон	+19 / +16

Хизматлар лицензияланган.

## МУАССИС:



O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: **Safar OSTONOV**

## TAHIR HAY'ATI:

Abdulla O'RIPOV	Ulug'bek	Saidahmad RAHIMOV
Hotamjon KETMONOV	MUSTAFOYEV	Farrux HAMROYEV
Ulug'bek VAFOYEV	Musliliddin	(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Rustam KAMILOV	MUHIDDINOV	Tat'yana KISTANOVA
Sharbat ABDULLAYEVA	Ochilboy RAMATOV	(Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxonа — 233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56

E-mail: [info@uzbekistonovozi.uz](mailto:info@uzbekistonovozi.uz)

MANZILIMIZ: 100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxonа manzili: Buyuk Turok ko'chasi, 41-uy. Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. «O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 1059 11315 nuxsada bosildi. Nashr ko'rsatkichi — 220 t — Tijorat materiallari O'za yakuni — 02.10 Topshirilgan vaqti — 02.30

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi: **Abdusolim MAHMUDOV** Sahifalovchi-dasturchilar: **Zafar BAKIROV Behzod ABDUNAZAROV**

